

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУГИНИСОВ ТАНГИРБЕРГЕН ИСАЕВИЧ

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ КСИЛОФАГ-ҲАШАРОТЛАРИ

03.00.06–Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract doctor of science (DSc)

Жугинисов Тангирберген Исаевич

Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротлари..... 3

Жугинисов Тангирберген Исаевич

Насекомые-ксилофаги Южного Приаралья..... 29

Zhuginisov Tangirbergen Isaevich

Xylophagous insects of around South Aral sea..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУГИНИСОВ ТАНГИРБЕРГЕН ИСАЕВИЧ

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ КСИЛОФАГ-ҲАШАРОТЛАРИ

03.00.06–Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/B59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Азимов Джалолиддин Азимович биология фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Зокиров Исломжон Илхомжонович биология фанлари доктори Хуррамов Алишер Шукурович биология фанлари доктори, доцент Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.20.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» май куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu.info@edu.uz)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№31-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» апрель куни тарқатилди.
(2021 йил «28» апрелдаги 1-рақамли реестр баённомаси)



М.А.Жуманов
Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш раиси, б.ф.д.,
профессор

М.К.Бегжанов
Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.ф.д.

Я.И.Аметов
Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши, инсоният томонидан табиий экотизимларнинг ўзлаштирилиши ва урбанизациянинг ривожланиши энтомофауна вакиллариининг антропоген ўзлаштирилган ҳудудларга мослашиши ва улар зарар кўламини огишига олиб келмоқда. Айниқса, табиий тўқайзорлар экотизимида ва ўзлаштирилган ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротлар кўламини ортиши ёғоч-қурилиш материалларига жиддий талофат етказмоқда. Бу ўринда, антропоген-трансформацияланган ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротлар хилма-хиллигини аниқлаш, уларнинг тўқайзор, аҳоли турар жойлари, маъмурий бинолар, маданий ва стратегик объектларга зарарини баҳолаш ва уларга қарши курашиш усуллариини такомиллаштириш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Жаҳонда тарихан қарор топган ва инсоният цивилизацияси ва маданиятини ўзида акс эттирган ҳамда ёғоч конструкциялардан иборат бўлган тарихий-маданий объектларни биологик организмларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш ва уларнинг тўлиқ бутунлигини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда, ксилофаг-ҳашаротлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг табиий ва ўзлаштирилган муҳит шароитларига ўта кўникувчанлиги, кўпайиш интенсивлигининг юқорилиги, захарли кимёвий моддаларга мослашувчанлиги уларни нафақат тарихий-маданий объектлар, балки яна аҳоли масканларига бўлган жиддий таъсириини келтириб чиқармоқда. Айниқса, Марказий Осиёнинг арид ҳудудларида кенг тарқалган *Hymenoptera* (Linnaeus, 1758) - *Xylocopa valga*, *Coleoptera* (Linnaeus, 1758) - *Buprestis rustica*, *Hylotrupes bajulus*, *Anobium pertinax*, *Isoptera* (Brullé, 1832) - *Anacanthotermes turkestanicus*, *A. ahngerianus* каби ксилофаг-ҳашаротлар вакиллари узок сақланган ёғоч материалларини қипиқ ҳолигача келтириб, бинонинг барча ёғоч қисмлари, қадимий бутлар, мебель ва музей экспонатлари учун ўта хавфли ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, тарихий-маданий объектларни, айниқса, ксилофаг-ҳашаротларнинг ривожланиши учун қулай бўлган табиий экотизимлар, жумладан, тўқай ландшафтлари зонасида жойлашиши уларга зарарли ҳашаротларнинг кўп томонлама салбий таъсириини келтириб чиқаради ва ксилофаг-ҳашаротларга уйғунлашган кураш чоралариини ишлаб чиқишни талаб этади. Шунга кўра, тўқай ландшафтлари жойлашган ва антропоген-трансформациялашган ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротларни инвентаризациялаш, зарарли доминант турларини аниқлаш ва уларга қарши курашнинг такомиллашган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирда республикаимизда ҳайвонот дунёси вакиллариини инвентаризациялаш, камёб турларини муҳофаза қилиш, зарарли турларини аниқлаш ва уларга қарши кураш чоралариини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жумладан, ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари билан боғлиқ бўлган зарарли ҳашаротларнинг тур таркиби ва ҳудудий тарқалиши аниқланди, кўпайишига таъсир этувчи омиллар баҳоланди ва

уларга қарши профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹, жумладан «атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротлари тарқалишини аниқлаш, уларни тарихий-маданий объектларни зарарлантиришдаги ўрни ва кўламини баҳолаш ва уларга қарши уйғунлашган воситаларни ишлаб-чиқаришга тавсия қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги 408-сон “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Табиий экотизим ва антропоген-трансформацияланган ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротлар биохилма-хиллиги, фаунистик таҳлили, биологияси, морфологияси, экологияси ва зарарли фаолияти, уларга қарши профилактик чора-тадбирларга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Янги Орлеан биомарказ лабораторияси (АҚШ), Янги Орлеан университети (АҚШ), Пекин университети (Хитой), Токио университети (Япония), Зоология институти (Россия), Москва давлат университети (Россия) ва Зоология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ксилофаг-ҳашаротларнинг фаунаси, экологияси, зоогеографияси ва хўжалик аҳамиятига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: турли муҳит шароитларига боғлиқ ҳолда ксилофаг-ҳашарот турларининг зарарли фаолияти аниқланган ва кимёвий профилактик кураш чора-тадбирлари яратилган (Пекин университети, Хитой); турли антропоген объектларда ксилофаг-ҳашаротларни (термитларни) тутиш технологияси ишлаб чиқилган (Янги Орлеан биомарказ лабораторияси, АҚШ); табиий ландшафтларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

²Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, researchget.com, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ксилофаг-ҳашарот турларининг тарқалиш хусусиятлари очиб берилган (Зоология институти, Россия); локал ҳудудларга боғлиқ ҳолда зарарли ксилофаг-ҳашаротларнинг пайдо бўлишини мониторинглаш ва прогнозлаштиришнинг дастурий тадбирлари ишлаб чиқилган (Токио университети, Япония).

Дунёда ксилофаг-ҳашаротлар турларининг морфобиологияси, турли экотизимлардаги биохилма-хиллиги, экологик аҳамияти бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: табиий экотизимлар ва антропоген-трансформацияланган ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротлар доминант турларининг ягона мониторингини ташкил этиш; ксилофаг-ҳашаротларнинг биологик ва кимёвий мослашувчанлик кўламини баҳолаш; ксилофаг-ҳашаротларга қарши микробиологик ва кимёвий препаратлар асосида янги такомиллаштирилган профилактик кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ксилофаг-ҳашаротларнинг тур таркиби, мониторинг даражаси ва доминант зараркунанда турларига қарши профилактик чора-тадбирлар ўтказиш бўйича Грум-Гржимайло (1890), Су, Н - Ҳ. ва бошқ. (1986), Н.Н. Плавильшиков (1994), Н.Б. Никитский ва бошқ. (2005), Л.К. Карта ва бошқ. (2010) томонидан ишлар олиб борилган.

МДҲ мамлакатлари олимлари Д.П. Жужиков (1968), В.Г. Баева (1993), С.С. Ижевский ва бошқ. (2005), Н.Б. Никитский ва бошқ. (2005), Ш.Г. Абдурахманов (2012) томонидан ксилофаг-ҳашаротларнинг тур таркиби таксономик таҳлил этилиб, уларнинг зарарли хусусиятига чидамли материаллар синовдан ўтказилган.

Марказий Осиёда ксилофаг-ҳашаротларнинг экологик муҳитларда (абиотик ва биотик) тарқалиши, асосан тоғ ўрмонларида дарахт ўсимликларини жиддий зарарлаши Ю.В. Синадский (1963), Г.В. Николаев (1987), Б.А. Токторалиев (1993), Р.Х. Кадирбеков ва бошқ. (2010), А. Тлеппаева ва бошқ. (2010), А.У. Габдуллина (2016) ишларида чуқур ўрганилган.

Ўзбекистон шароитида ксилофаг-ҳашаротларнинг морфологияси, биологияси, экологияси ва умумий озикланиш хусусиятлари бўйича Р.А. Алимджанов (1971), Н.Э. Эргашев (1996), Б.Р. Холматов (2011), Н.И. Лебедева ва бошқ. (2014), А.Ш. Хамраев ва бошқ. (2013, 2015), И.И. Абдуллаев (2016), Д.А. Азимов ва бошқ. (2019) илмий тадқиқот ишлари олиб борган. Бундан ташқари, ксилофаг-ҳашаротларнинг зараркунандалик хусусиятларига қарши биологик ва кимёвий курашнинг профилактик чора-тадбирлари Я. Вейзер (1972), И.С. Велицкая (1972), Е.Г. Мозолева ва бошқ. (1984), В.Е. Хохлачева ва бошқ. (2006), Т.И. Жугинисов ва бошқ. (2009), В.В. Черпаков (2012, 2014), Н.А. Алешо (2015), А.А. Нуржанов (2007, 2019) илмий ишларида ёритилган.

Ўзбекистон шароитида ксилофаг-ҳашаротларнинг 7 туркумга оид 24 тури ЎзР ФА Зоология институти олимлари томонидан таксономик рўйхати қайд этилган. Аммо, ксилофаг-ҳашаротлар айрим ҳудудларда ажратилиб

ўрганилмаган ва уларга қарши локал кураш чоралари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, Жанубий Оролбўйи минтақасида ксилофаг-ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш, таксономик таҳлил этиш, зараркунанда доминант турларининг мониторингини олиб бориш ва профилактик кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамияга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-ФА-0-14830 “Ксилофаг-ҳашаротлар комплекси популяцион экологияси, функцияси ва уларнинг мосланганлик механизмларини тадқиқ этиш” (2012-2015) ва ПЗ-20170927149 “*Anacanthotermes* авлоди термитларига қарши янги *Antitermit* ем-хўраги ва кураш усуллари ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзусидаги фундаменталь ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротлари фаунасини аниқлаш ва доминант зараркунанда турларига қарши экологик зарарсиз профилактик кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролбўйи ҳудуди ксилофаг-ҳашаротларнинг биоэкологик хусусиятларини тавсифлаш;

ксилофаг-ҳашаротларнинг табиий экотизимлар билан боғлиқлигини ўрганиш;

ксилофаг-ҳашаротларнинг антропоген-трансформацияланган ҳудудларда мониторингини амалга ошириш;

Жанубий Оролбўйи доминант тур ксилофаг-ҳашаротларининг таксономик ва фаунистик таҳлилин амалга ошириш;

табиий экотизим ва антропоген-трансформацияланган ҳудудларда инвазив турлар фенологиясини ўрганиш;

ксилофаг-ҳашаротларнинг асосий зараркунанда турларини ўрганиш;

зарарли турлардан ҳимояланишга оид экологик безарар профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Жанубий Оролбўйи табиий экотизими ва антропоген-трансформацияланган ҳудудларга оид *Xylocopa valga*, *Buprestis rustica*, *Hylotrupes bajulus*, *Anobium pertinax*, *Anacanthotermes turkestanicus*, *A. ahngerianus* доминант тур ксилофаг-ҳашаротлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротларнинг биоэкологик хусусиятлари, табиий экотизимларда зоогеографияси, антропоген-трансформацияланган ҳудудларда мониторинги, доминант турларининг фаунистик таҳлили ва асосий зараркунанда турлардан ҳимояланишнинг экологик безарар, профилактик чора-тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда энтомологик, зоологик, зоогеографик, экологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Жанубий Оролбўйи ҳудудида ксилофаг-ҳашаротларнинг 2 туркум, 10 оила, 16 авлодга мансуб 16 тури аниқланган;

ксилофаг-ҳашаротларнинг географик тарқалиши жиҳатидан табиий экотизимли тўқайзорлар, антропоген-трансформацияланган ҳудудлар ва маданий мерос объектларидаги тур таркиби ва уларнинг тарқалиши асосланган;

Жанубий Оролбўйи ҳудудида юқори даражада учровчи доминант турлар *Xylocopa valga*, *Buprestis rustica*, *Hylotrupes bajulus*, *Anobium pertinax*, *Anacanthotermes turkestanicus*, *A. ahngerianus* ксилофаг-ҳашаротларининг тарқалиши очиб берилган;

ксилофаг-ҳашаротларнинг антропоген-трансформацияланган ҳудудларида учровчи доминант турларининг зарар кўлами асосланган;

антропоген-трансформацияланган ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротлар орасида зараркунандалик жиҳати билан доминантлик этувчи *Anacanthotermes* авлоди турларининг тарқалиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари кўйидагилардан иборат:

табиий экотизим шароитида ксилофаг-ҳашаротлар тарқалиш зоогеографияси бўйича 9 туркум, 24 оила, 39 авлодга мансуб 42 турларининг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари ишлаб чиқилган;

Buprestis rustica, *Acmaeoderella* sp., *Trachypteris picta*, *Cratomerus intermedius*, *Xylocopa valga*, *Hylotrupes bajulus*, *Anobium pertinax*, *Anacanthotermes turkestanicus* ва *A. ahngerianus* зарарли турларига қарши “*B. tenella*” замбуруғининг BD-85 штаммини мавсумий қўллаш асосида микробиологик препаратнинг самарадорлиги аниқланган ва тўқайзорларни зарарли ҳашаротлардан сақлаш бўйича профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

ксилофаг-ҳашаротларнинг зарарли *Xylocopa valga*, *Buprestis rustica*, *Hylotrupes bajulus*, *Anobium pertinax*, *Anacanthotermes turkestanicus*, *A. ahngerianus* турларига қарши курашиш учун ёғоч материалларининг чидамлилигини ошириш бўйича профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда зоологик, умумий энтомологик усуллардан фойдаланилгани ва илмий ёндашувлар, натижаларнинг таҳлили назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007) статистик таҳлил қилингани, шу билан бирга диссертация тадқиқоти амалий натижаларининг ваколатли давлат тузулмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротларнинг зоогеографик жиҳатдан тур таркибларининг тарқалиши, морфобиологик хусусиятларининг ўрганилиши, уларнинг табиий экотизимлар билан боғлиқлиги, антропоген-трансформацияланган ҳудудларда мониторинги, асосий зарарли доминант ксилофаг-ҳашаротлар турларига фаунистик таҳлил берилиши ва курилиш материалларини химоялашда

профилактик чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жанубий Оролбўйи тўқайзорларида ксилофаг-ҳашаротларнинг тарқалган ҳудудларини аниқлаш, антропоген-трансформацияланган ҳудудларда зарарли доминант турлар бўйича мониторинг ишларининг олиб борилиши ва уларга қарши биологик, кимёвий препаратларни қўллаш натижасида қурилиш материалларининг чидамлилигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жанубий Оролбўйи шароитидаги табиий ва антропоген экотизимли, ҳудудларида тарқалган ксилофаг-ҳашаротларнинг 9 туркумига оид 42 турларининг 60 дан ортиқ нусха намуналари Зоология институтининг “Зоология коллекцияси” Ноёб объектига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 04 декабрдаги №4/1255-3169-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар ксилофаг-ҳашаротлар коллекция фондини бойитган ва ксилофаг-ҳашаротлар маълумотлар базасини яратиш ҳамда республика ҳудудлари бўйлаб уларнинг тарқалишини мониторинг қилиш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси тўқай хўжаликлари ва Қўйи Амударё давлат биосфера резерватидаги зарарли ксилофаг-ҳашаротлар доминант турларига қарши “*Beauveria tenella*” замбуруғининг BD-85 штамми ҳамда *Фипронил Экстра* 20% сус. эм., *Sermit* 10% сус. эм., “*Пирилакс*”, “*Пирилакс-Люкс*”, “*Олигомер суперпластификатор*” каби кимёвий препаратларни қўллашда ишлаб чиқилган тавсиялар Беруний, Чимбой, Нукус, Қўнғирот ва Муйноқ туманлари ўрмон хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Тўқай хўжалиги қўмитасининг 2019 йил 12 ноябрдаги 672-сон маълумотномаси; Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳит муҳофазаси комитети 2019 йил 12 ноябрдаги 01-18-1-3224 сонли маълумотномаси). Натижада, биологик самарадорлик 85-87% ни ташкил этиб, ўрмон хўжаликларида тарқалган йирик дарахт ва буталарни сақлаб қолиш имконини берган;

антропоген экотизимли ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротларнинг зарарли доминант турларига қарши “*Beauveria tenella*” замбуруғининг BD-85 штамми ҳамда кимёвий препаратлар аралашмасида ишлаб чиқилган такомиллашган захарли ем-хўракларни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ақшахан, Ташқирман қалъаси, Тупроқ, Қирққиз, Аяз-1-2 қалъси, Жамбас, Қумбасқан қалъаси, Жампиқ, Султан Увоис тоғ Гаур қалъаси, Миздахкан комплекси, Шибилий ота зиёратгоҳи ва Ичан қалъа Жума масжиди, Паҳлавон Маҳмуд, Тош ҳовли мақбараларига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 13 ноябрдаги 22-2223-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Фавкулотда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 20 ноябрдаги 3/4/12-3080-сон маълумотномаси). Натижада, биологик самарадорлик 98% ни ташкил этиб, маданий мерос объектлари ёғоч конструкцияларини сақлаб қолиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижа-

лари 5 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан 2 та патент, 2 та тавсиянома ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, шундан, 11 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 173 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротлари ўрганилишининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон шароитида Жанубий Оролбўйи ҳудудларида ксилофаг-ҳашаротлар фаунаси ҳақида умумий тушунчалар, уларнинг тарқалиш ареаллари, биологияси, экологияси, зарарли фаолияти, ҳашаротнинг микроорганизмлар билан боғлиқлиги, профилактик кураш чора-тадбирлари, адабий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароити, материаллари ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитига эътибор қаратилган, бунда Жанубий Оролбўйи ҳудуди табиий ва иқлим шароитлари ўрганилган. Тадқиқот материаллари ва илмий тадқиқот методларига тавсиф берилган.

Тадқиқот материалларини йиғиш, тадқиқ қилиш ишлари 2009-2020 йиллар давомида олиб борилди ва таҳлил этилди. Бунда қўйидаги ксилофаг-ҳашаротларнинг 5 мингдан ортиқ намуналари йиғилди ва 60 дан ортиқ нусхаси ўрганилди: **Podura**, **Collembola** (Lubbock, 1870); *Entomobrya atrocincta* (Schött, 1896), **Thysanura** (Borner, 1904); *Lepisma saccharina* (Linnaeus, 1758), **Isoptera** (Brullé, 1832); *Anacanthotermes turkestanicus* (Jacobson, 1904), *A. ahngerianus* (J. 1904), **Psocoptera** (Shiple, 1904); *Liposcelis divinatorius* (Müller, 1776), **Hemiptera** (Linnaeus, 1758); *Hyalesthes obsoletus* (Signoret, 1865), *Aradus corticalis* (L., 1758), **Coleoptera** (Linnaeus, 1758); *Phosphuqa atrata* (L., 1758), *Oxythyrea cinctella* (Schaum, 1841),

Staphylinus erythropterus (L., 1758), *Anobium pertinax* (L., 1758), *A. punctatum* (De Geer, 1774), *A. rufipes* (Fabricius, 1792), *Priobium carpini* (Herbst, 1793), *Oligomerus brunneus* (Olivier, 1790), *Agriotes gurgistanus* (Faldermann, 1835), *Acmaeoderella* sp. (Volkovitsh, 1979), *Buprestis rustica* (L., 1758), *Trachypteris picta* (Pall., 1976), *Melanophila picta* (Pall., 1850), *Cratomerus intermedius* (Oneb. 1826), *Anthrenus picturatus* (Solsky, 1876), *Trogoderma versicolor* (Creutzer, 1799), *Hololepta plana* (Sulzer, 1776), *Adelostoma sulcatum* (Duponchel, 1827), *Cerambyx cerdo* (L., 1758), *Aeolesthes sarta* (Solsky, 1871), *Hylotrupes bajulus* (L., 1758), *Saperda octopunctata* (Scopoli, 1772), *Sitophilus zeamays* (Motschulsky, 1855), *Sciaphobus squalidus* (Gyllenhal, 1834), *Scolitus mali* (Bechstein, 1805), *Hylastes ater* (Pay., 1800), *Ips typographies* (L., 1758), *Phloeosinus* sp., (Ch. 1869), **Lepidoptera (Linnaeus, 1758)**; *Cossus cossus* (L., 1758), **Hymenoptera (Linnaeus, 1758)**; *Antophora* sp., (Latreille, 1803), *Xylocopa valga* (Gerstäcker, 1872), *Megachile centuncularis* (L., 1758), *Sclerodermus domesticum* (Klug, 1809), *Camponotus lameerei* (Emery, 1898), **Diptera (Linnaeus, 1758)**; *Hermetia sillucens* (Latreille, 1804).

Жанубий Оролбўйи ҳудудида ксилофаг-ҳашаротларнинг фаунаси, тарқалишини аниқлаш учун материалларни йиғиш ишлари танланган маршрутлар асосида олиб борилди (1-расм).



1-расм. Жанубий Оролбўйи табиий экотизим ва антропоген-трансформацияланган ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротларни йиғишнинг координаталар харитаси (Google Earth)

Жанубий Оролбўйи табиий шароитида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ўрмон хўжаликлари, Қўйи Амударё давлат биосфера резервати ҳамда антропоген-трансформацияланган Қорақалпоғистон Республикаси маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси Ақшахан, Ташқирман қалъаси (Беруний тумани), Тупроқ, Қирққиз, Аяз-1-2 қалъаси (Элликқалъа тумани), Жамбас, Қумбасқан қалъаси (Тўрткўл тумани), Жампиқ, Султан Увоис тоғ Гаур қалъаси (Қораузяк тумани), Миздахкан мажмуаси (Хўжайли тумани), Шибиллий ота зиёратгоҳи, Ичан-қалъа (Кегейли тумани), Уроқ болға, эски автовокзал, аҳолига тегишли уйлар (Нукус шаҳри), Тақыркўл овул фуқаролар йиғини (Нукус тумани) ва Хоразм вилояти Хива шаҳри Ичан-қалъа Жума масжиди, Паҳлавон Маҳмуд, Тошҳовли мақбаралари каби тарихий ёдгорликлар ҳудудларидан йиғилди.

Тадқиқот жараёнида ксилофаг-ҳашаротлар намуналарини йиғиш ва таксономик таҳлил этиш ҳамда зараркунанда доминант турларига қарши курашнинг профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда G. Becker (1969.), К.К. Фассулати (1971.), Я. Вейзер (1972.), Е.Г. Мозолева (1984.), Su, N - Y. (1986.), Н.Н. Плавильщиков (1994.), Г.Ф. Лакин (1990.), С.С. Ижевский ва бошқ., (2005.), А.Д. Маслов (2006., 2010) усулларида фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротлар (Insecta: Coleoptera, Isoptera, Lepidoptera, Hymenoptera, Diptera) доминант туркумлари таксономик ва фаунистик таҳлили”** номли учинчи боби 6 қисмдан иборат бўлиб, умумий туркум вакиллариининг тур таркиблари, таксономик ва фаунистик таҳлил этилган.

Ўзбекистонда чўл, дарё бўйи, тоғ ва тоғ олди тўқайзорлар мавжуд бўлиб, ушбу ўринлардаги ёғочхўр зараркунанда ҳашаротлар деярли ўрганилмаган. Қўйи Амударё давлат биосфера резервати, Мўйноқ тумани тўқай экотизимидан биоматериаллар йиғилиб, ксилофаг-ҳашаротларнинг учраш ўрни, тури, зараркунандалик хусусияти ва тўқай экотизими бўйлаб тарқалишига эътибор қаратилди.

Биоматериалларни йиғиш, ўсиб турган ва қуриган дарахтлар сиртидан елим плёнкалар, ипак матолар ўраш йўли билан амалга оширилди. Жанубий Оролбўйи ҳудудида ксилофаг-ҳашаротлар фаунаси ва таксономик бирлиги ўрганилганда биринчи марта 2 туркум, 10 оила, 16 авлодга мансуб 16 та турнинг тарихий ёдгорликларда 9 таси, аҳоли уйларида 7 таси ва табиий биотопларда 16 таси учраши маълум бўлди (1-жадвал).

Жанубий Оролбўйи фаунаси янги тур ксилофаг-ҳашаротлари

№	Ксилофаг-ҳашаротлар				Ҳашаротларнинг учраш даражаси		
	Туркум	Оила	Авлод	Тур	Тарихий ёдгорликлар	Аҳоли уйлари	Табиий биотоплар
1	Podura, Collembola Lubbock, 1870	Entomobryidae Lubbock, 1870	<i>Entomobrya</i> Rondani, 1861	<i>Entomobrya atrocincta</i> Schött, 1896	-	-	+
2	Coleoptera Linnaeus, 1758	Scarabaeidae Latreille, 1802	<i>Oxythyrea</i> Mulsant, 1842	<i>Oxythyrea cinctella</i> (Schaum, 1841)	-	-	+
		Staphylinidae Lameere, 1900	<i>Staphylinus</i> Linnaeus, 1758	<i>Staphylinus erythropterus</i> L., 1758	-	-	+
		Elateridae Leach, 1815	<i>Agriotes</i> Eschscholtz, 1829	<i>Agriotes gurgistanus</i> ((Faldermann, 1835)	+	+	+
		Buprestidae Leach, 1815	<i>Acmaeoderella</i> Volkovitsh, 1979	<i>Acmaeoderella</i> sp. Volkovitsh, 1979	+	+	+
			<i>Buprestis</i> Linnaeus, 1758	<i>Buprestis rustica</i> Linnaeus, 1758	+	+	+
			<i>Trachypteris</i> Pall. 1976	<i>Trachypteris picta</i> Pall. 1976	+	+	+
		Dermestidae Latreille, 1804	<i>Anthrenus</i> O. F. Müller, 1764	<i>Anthrenus picturatus</i> Solsky, 1876	-	-	+
			<i>Trogoderma</i> Dejean, 1821	<i>Trogoderma versicolor</i> (Creutzer, 1799)	+	-	+

1 –жадвалнинг давоми

-//-	-//-	Histeridae Gyllenhal, 1808	<i>Hololepta</i> Paykull, 1811	<i>Hololepta plana</i> (Sulzer, 1776)	-	+	+
		Tenebrionidae Latreille, 1802	<i>Adelostoma</i> Duponchel, 1827	<i>Adelostoma sulcatum</i> Duponchel, 1827	-	-	+
		Curculionidae Latreille, 1802	<i>Sitophilus</i> Schönherr, 1838	<i>Sitophilus zeamays</i> Motschulsky, 1855	+	-	+
			<i>Sciaphobus</i> K. Daniel, 1904	<i>Sciaphobus</i> <i>squalidus</i> Gyllenhal, 1834	-	-	+
		Scolytidae, Ipidae Latreille, 1806	<i>Scolitus</i> Geoffroy, 1762	<i>Scolitus mali</i> (Bechstein, 1805)	+	+	+
			<i>Hylastes</i> Erich., 1836	<i>Hylastes ater</i> (Pay., 1800)	+	+	+
			<i>Phloeosinus</i> Chapuis, 1869	<i>Phloeosinus sp.</i> Chapuis, 1869	+	-	+
		Жами: 2	10	16	9	7	16

Изоҳ 1.: + учради; - учрамади;

Диссертациянинг “**Жанубий Оролбўйи табиий экотизим ва антропоген-трансформацияланган ҳудудлардаги ксилофаг-ҳашаротларнинг био-экологик хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, бунда Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротларнинг инвазив турлари фенологияси, уларнинг табиий экотизимларда, антропоген-трансформацияланган ҳудудларда тарқалиши ва тўқайларда дарахт, бута, ярим бута ўсимликлари билан озиқланиш хусусиятлари ўрганилди. Жанубий Оролбўйи ҳудуди умумий ксилофаг-ҳашаротларнинг ҳаётий шаклида доимий яшовчи 26, эркин яшовчи 17, инвазив 6, карантин 11 турлари аниқланилди ва доминант *Xylocopa valga* *Buprestis rustica*, *Hylotrupes bajulus*, *Anobium pertinax* турларининг фенологик календари ишлаб чиқилди.

Coleoptera туркумига мансуб *Anobium pertinax*, *A. punctatum*, *A. rufipes*, *Priobium carpini*, *Oligomerus brunneus*, *Buprestis rustica*, *Trachypteris picta*, *Cratomerus intermedius*, *Hylotrupes bajulus*, *Saperda octopunctata*, Hymenoptera туркумига мансуб *Xylocopa valga*, Isoptera туркумига мансуб *Anacanthotermes turkestanicus* ва *A. ahngerianus* доминант турлар сифатида қайд этилди. Шунингдек, олдин фақат табиий экотизимларда қайд этилган Coleoptera, Buprestidae оиласига мансуб *Acmaeoderella* sp., *Buprestis rustica*, *Trachypteris picta*, *Melanophila picta*, *Cratomerus intermedius* турлари Нукус шаҳри эски автовокзал ҳудуди ва Нукус тумани Тақыркўл ОФЙ аҳоли хонадонларида биринчи марта кузатилди.


Диссертациянинг “**Жанубий Оролбўйи ксилофаг-ҳашаротларнинг асосий зараркунанда турлари**” деб номланган бешинчи боби учта қисмдан иборат бўлиб, бунда асосий зараркунанда доминант Coleoptera, Hymenoptera, Isoptera туркум турларининг табиий экотизимли, антропоген трансформацияланган ҳудудларда тарқалиши, мониторинг даражаси ва уларга қарши кураш бўйича такомиллаштирилган профилактик чора-тадбирлар акс эттирилган (2-жадвал). Кузатув жараёнида *Anacanthotermes* (J., 1904) авлоди (*A. turkestanicus* ва *A. ahngerianus*) туркистон ва каспий орти термитлари тўда ҳосил қилувчи доминант турлари сифатида қайд этилди. Ушбу термит турларининг зарарли фаолияти ҳисобга олиниб, 2013-2020 йиллари мониторинг натижасида Қорақалпоғистон Республикасида 3354 та хонадон, 20 та тарихий ёдгорлик ва Хоразм вилояти Хива шаҳри, Ичан қалъа тарихий иншоотларининг 26 таси зараркунандадан жиддий талофат кўргани аниқланди. Шуларни ҳисобга олиб, асосан тарихий ёдгорликларда термитларга қарши такомиллаштирилган захарли ем-хўрак қўлланилди, натижада 95% биологик самарадорликка эришилди. Нукус шаҳри эски автовокзал ҳудуди атрофида жойлашган 5 та хонадоннинг пол қисмидан ва Мўйноқ тумани ўрмон хўжаликларида қуриган дарахтларнинг ёғоч қисмларидан Buprestidae оиласига мансуб ялтироқ тусли тилла қўнғизлар *Acmaeoderella* sp., *Buprestis rustica*, *Trachypteris picta* турларининг Жанубий Оролбўйида биринчи марта учрагани сабабли уларнинг тарқалиш жараёни ўрганилди (2-расм). Хонадонларда ва табиий шароитда Buprestidae оиласига мансуб қўнғиз турларнинг ривожланиш даврларига боғлиқ ҳолда асосан йилнинг ёз ва куз фаслларида кўп учради.

**Жанубий Оролбўйи антропоген-трансформацияланган
худудлардаги ксилофаг-ҳашаротлар**

№	Ҳашарот турлари	Антропоген-трансформацияланган худудлардаги ксилофаг-ҳашаротлар			
		Нукус ш. эски автовокзаль худуди	Караузяк т. Султон-Увоис зиёратгоҳи	Хива шаҳри зиёратгоҳлари	
				Жума масжиди	Паҳлавон Маҳмуд
1	Coleoptera, <i>Anobium pertinax</i>	+	++	+++	++
2	<i>A.punctatum</i>	+	+	+++	+
3	<i>A.rufipes</i>	+	++	+++	++
4	<i>Priobium carpini</i>	+	+	++	+
5	<i>Oligomerus brunneus</i>	++	+	+	+
6	<i>Buprestis rustica</i>	+	-	-	-
7	<i>Trachypteris picta</i>	+++	-	-	-
8	<i>Cratomerus intermedius</i>	++	-	-	-
9	<i>Hylotrupes bajulus</i>	-	+	+	+
10	<i>Saperda octopunctata</i>	-	+	+	+
11	Hymenoptera, <i>Xylocopa valga</i>	++	+++	++	+++
12	Isoptera, Anacanthotermes <i>turkestanicus</i>	TTT	TT	TT	TT
13	<i>A.ahngerianus</i>	TTT	TT	TT	TT
Жами:		11	10	10	10

Изоҳ 2.: + - жуда кам тарқалган турлар (50 та дарахтдан 1 дона ҳашарот); ++- кам тарқалган турлар (50/4-10); ++++ - доимий турлар (50/11-20...); ва т – тўда ҳосил қилувчи турлар

кунлар



2-расм. Buprestidae оиласига оид кўнгиз турлар сонининг табиий ва аҳоли яшаш уйларида мавсумий учраши

Диссертациянинг “Ксилофаг-ҳашаротлар зараридан ҳимояланиш-нинг профилактик чора-тадбирлари” деб номланган олтинчи боби учта қисмдан иборат бўлиб, зараркунанда доминант тур ксилофаг-ҳашаротларга қарши курашда энтомопатоген микроорганизм ва қурилиш материалларининг зараркунандага чидамлилигини оширишда кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги ўрганилди. Шунингдек, табиий тўқай экотизими ва антропоген-трансформацияланган ҳудудларда ксилофаг-ҳашаротлардан ҳимояланишга оид профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон шароитида А.А. Нуржанов ва бошқалар (2007) томонидан термитларга қарши қўлланган *Beauveria tenella* замбуруғининг ВД-85 штамми (Патент № IDP 04692 23.03.2001 й.) амалда ксилофаг-ҳашаротлар *Anobium pertinax* (Linnaeus, 1758), *A. punctatum* (De Geer, 1774), *A. rufipes* (Fabricius, 1792), *Priobium carpini* (Herbst, 1793), *Oligomerus brunneus* (Olivier, 1790), *Acmaeoderella* sp. (Volkovitsh, 1979), *Buprestis rustica* (Linnaeus, 1758), *Trachypteris picta* (Pall. 1976), *Melanophila picta* (Pall. 1850), *Cratomerus intermedius* (Oeb. 1826), *Hylotrupes bajulus* (Linnaeus, 1758), *Saperda octopunctata* (Scopoli, 1772), Hymenoptera, Apidae оиласи *Xylocopa valga* (Gerstäcker, 1872) турларига қарши курашда фойдаланиш учун лаборатория шароитида замбуруғ биомассулотининг патогенлиги ўрганилди.

Тажриба учун эрта баҳорда ва ёз фаслида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти тўқай хўжаликлари, Қўйи Амударё давлат биосфера резервати, антропоген-трансформацияланган ҳудудлардан: Миздахкан мажмуаси (Хўжайли т.), Ичан-қалъа (Кегейли т.), Уроқ болға, эски автовокзал ҳудуди, аҳоли уй-жойлари (Нукус ш.), Тақыркўл ОФЙ (Нукус т.), Хоразм вилояти Хива шаҳри Жума масжиди, Паҳлавон Маҳмуд тарихий ёдгорлик мажмуаси (Хива т.) ксилофаг-ҳашаротлар билан жиддий зарарланган ёроқсиз ёғоч намуналаридан 20 см. узунликда 30 тадан ҳар бир ўриндан ёғоч бўлаклари тайёрланди. Ёғоч бўлакларига *Beauveria tenella* замбуруғи ВД-85 штамми биомассасининг ($10\text{л}/1\cdot 10^7$) миқдори билан тўлиқ пуркаш йўли орқали ишлов берилди. Сўнгра ёғоч бўлаклари тўрли идишларга солиниб, оддий хона ҳароратида ($+20^{\circ}\text{C}$, $+22^{\circ}\text{C}$) сақланди ва 4 ой давомида кузатув жараёни амалга оширилди. Шу йилнинг октябрь ойида *Beauveria tenella* замбуруғи ВД-85 штамми билан ишлов берилган ёғоч бўлаклари кетма-кетликда ҳар 15 кундан ёриб кўрилди, натижада ялтироқ рангли қўнғизлар-*Acmaeoderella* sp., *Buprestis rustica*, *Trachypteris picta*, *Cratomerus intermedius*, дурадгор ари - *Xylocopa valga*, мўйловдор - *Hylotrupes bajulus* ва пармаловчининг-*Anobium pertinax* турларининг мурдалари топилди. Нобуд бўлган зараркунандалар термостатда $+19^{\circ}\text{C}$, $+22^{\circ}\text{C}$ ҳароратда сақланди ва ҳашарот танасининг оқ замбуруғ споралари билан қоплангани аниқланди (3-расм).



3-расм. Табиий шароитда энтомопатоген замбуруғ *B.tenella* ВД-85 штамми билан ишлов берилган ёғочларда зарарланган ксилофаг-ҳашаротлар

Умумий натижаларга кўра пиво-сусло муҳитида *B.tenella* замбуруғининг ВД-85 штамми ксилофаг-ҳашаротларга (термитлардан ташқари) қарши биологик патогенликнинг энг юқори кўрсаткичи 73,6% ни ташкил этди (3-жадвал).

Ушбу кўрсаткичлар асосида тўқай экотизимида энтомопатоген замбуруғининг *B.tenella* ВД-85 штамми эрта баҳорда пуркаш йўли билан зараркунанда ҳашаротларга қарши ишлатилиши экологик безарар, биологик курашнинг асоси ҳисобланади. Ксилофаг-ҳашаротлар зараркунандалик фаолиятидан қурилиш материалларини химоялашда кимёвий препаратлар *Anacanthotermes* авлодига оид термит турлар мисолида синовдан ўтказилди.

Ўзбекистоннинг “*Sermit* (10%)”, “*Фипронил Экстра* (20%)” кимёвий препарати, Россиянинг ООО “НПО Норт” компанияси томонидан таклиф этилган кимёвий препаратлар “*Норт*” (ёғоч конструкциялари учун 80 гр/м²), “*Нортекс-Люкс*” (80 гр/м², картон, мато, бетон, ғишт 150 гр/м²), “*Нортекс-Альфа*” (80 гр/м²; 150 гр/м²), “*Пирилакс*” (100 гр/м², тез ёнувчи қурилиш материаллари учун 400 гр/м²), “*Пиралакс-Люкс*” (280 гр/м², бошқа ҳашаротларга 100 гр/м², ёнғинга чидамсиз матриллар учун 400 гр/м²) сув билан 1/4 аралашмасини филтёр қоғозларга шимдириб, қурилган ҳолда озуқа сифатида ҳамда Тошкент кимё-технология институти томонидан ишлаб чиқарилган, маҳаллий хомашё “*Олигомер суперпластификатор*” – оқ ранги сувли эмульсияси 1м²/2,5 литр сувдаги аралашмасига термит озуқаси кунгабоқар поясига шимдириб лаборатория шароитида зараркунандага озуқа сифатида берилди (4-жадвал).

3-жадвал

Лаборатория шароитида ксилофаг-ҳашаротларга нисбатан пиво қолдиғи озиқа муҳитида ўстирилган энтомопатоген замбуруғ *B.tenella* ВД-85 штамми $1 \cdot 10^7$ титрининг биологик самарадорлиги

№	Ксилофаг-ҳашарот турлари	Тажирибанинг давомийлиги, нобуд бўлган ҳашаротлар сони				Умумий кўрсаткич (сони)	Биологик самарадорлик (%)
		март	апрель	май	июнь		
1	<i>Buprestis rustica</i>	2,1±0,2	8,2±0,4	11,4±0,5	9,3±0,3	7,7±0,3	59,7±1,5
2	<i>Acmaeoderella</i> sp.	1,0±0,1	7,8±0,6	13,1±0,6	10,1±0,7	8,0±0,5	62,0±1,2
3	<i>Trachypteris picta</i>	1,2±0,2	9,2±0,4	15,4±0,5	10,0±0,3	9,1±0,3	70,5±1,5
4	<i>Xylocopa valga</i>	1,4±0,4	8,4±0,6	14,4±0,6	10,4±0,6	9,4±0,5	72,9±1,2
5	<i>Cratomerus intermedius</i>	1,3±0,4	9,5±0,5	12,5±0,5	10,1±0,6	8,3±0,5	64,3±1,2
6	<i>Hylotrupes bajulus</i>	1,5±0,5	9,4±0,8	13,4±0,7	10,8±0,8	9,5±0,7	73,6±1,7
7	<i>Anobium pertinax</i>	2,0±0,3	8,6±0,6	12,6±0,7	10,6±0,7	8,4±0,5	65,1±1,2
8	Назоратда, тирик зотлар	4,4±0,2	10,4±0,5	16,4±0,5	20,4±0,7	12,9±0,4	100±0,5
Р		<0,001	<0,01	<0,01	<0,03	<0,001	<0,001

Изоҳ 3.: (n=8, M±m: Р-кунлар ҳисобида турли озуқа муҳитларидаги *B.tenella* ВД-85 штаммининг ксилофаг-ҳашаротларга нисбатан биологик самарадорлигининг тўғрилиги)

4-жадвал

Лаборатория шароитида кимёвий препаратлар “*Sermit* (10%)”, “*Фипронил Экстра* (20%)”, “*Норт*”, “*Нортекс-Люкс*”, “*Нортекс-Альфа*”, “*Пирилакс*” “*Пиралакс-Люкс*” сус. эм. ва “*Олигомер суперпластификатор*” эритмасининг қурилиш материалларининг чидамлилигин оширишда ксилофаг-ҳашаротларга (термитлар мисолида) нисбатан биологик самарадорлиги


№	Кимёвий препаратлар наъмуналари ва концентрацияси сус. эм. (1/4)	Кунлар ҳисобида ўртача ўлган термитлар сони (%)						Биологик самарадорлик (%)
		3 кун	5 кун	10 кун	15 кун	20 кун	25 кун	
1	<i>Sermit</i>	5,2±0,7	11,0±0,9	15,1±0,9	26,3±0,8	30,0±0,8	-	100,0±0,8
2	<i>Фипронил Экстра</i>	3,5±0,3	5,3±0,8	9,4±0,9	16,2±0,8	20,2±0,9	26,6±0,9	88,6±1,3
3	<i>Норт</i>	6,6±0,2	8,0±0,7	11,3±0,8	14,2±0,9	16,3±0,9	18,8±0,9	62,6±1,0
4	<i>Нортекс-Люкс</i>	5,8±0,4	9,3±0,6	12,0±0,8	15,6±0,7	19,3±0,7	20,0±0,9	66,6±1,1
5	<i>Нортекс-Альфа</i>	7,3±0,2	10,0±0,9	12,7±0,8	13,2±0,9	15,2±0,9	19,5±1,0	65,0±1,2
6	<i>Пирилакс</i>	10,2±0,7	16,2±0,9	18,2±0,9	20,5±0,8	24,4±0,9	27,3±0,9	97,3±0,9
7	<i>Пиралакс-Люкс</i>	12,5±0,8	21,5±0,7	24,3±0,9	26,5±0,9	27,0±0,9	29,3±0,8	99,3±0,8
8	<i>Олигомер супер.</i>	11,6±0,6	14,2±0,9	16,8±0,8	18,8±0,9	20,3±0,7	24,6±0,9	84,6±1,1
9	Назоратда, тирик зотлар	35,0±0,1	34,6±0,8	34,2±0,6	32,3±0,5	31,5±0,8	30,0±0,6	100±0,1

Изоҳ 4.: n=5, M±m: назоратга нисбатан тўғрилиқ P<0,01: <0,005.

Тажириба натижаларига кўра, кимёвий препаратлар билан ишлов берилган озуқаларга термитларнинг жалб бўлмаслиги аниқланиб, уларнинг 3 кун ичиде бўла бошлагани кузатилди. Кимёвий препаратлар “Норт”, “Нортекс-Люкс” ва “Нортекс-Альфа” сус. эм. шимдирилган филтёр қоғозли озуқада, дастлабки 3-10 кунлари термитларнинг фаол экани кузатилди, сўнггра умумий биологик самарадорлик кўрсаткичи 25 кунга келганда ($18,8 \pm 0,9$ - $20,0 \pm 0,9$) 62,6%-66,6%, *Фипронил Экстра* 20% сус. эм. ($26,6 \pm 0,9$) 88,6% ташкил этди, яъни кам бўлса ҳам зараркунанданинг озикланиш жараёни аниқланди. “Пирилакс” ва “Пиралакс-Люкс” сус. эм. кимёвий препаратларида 3-5 кундан бошлаб термитларнинг нобуд бўлиш ҳолати 50% дан юқори экани кузатилди, бу ҳолат 25 кунга келганда ($27,3 \pm 0,9$ - $29,3 \pm 0,8$) 97,3%-99,3% га етди ва назоратдаги таҳлилий натижаларга кўра, зараркунандаларнинг қорин қисмида озуқа бўлмасдан, уларнинг тўлиқ очликдан қирилгани аниқланди. *Sermit* 10% сус. эм. препаратиде ($30,0 \pm 0,8$) 100% биологик самарадорликка эришилди ва бугунги кунда заҳарли ем-хўрак тайёрлашда қўлланилмоқда. *Олигомер суперпластификатор* – оқ ранги сувли эмульсияси шимдирилган кунгабоқар пояси термитларга озуқа сифатида қўлланганда 3-10 кунлари ўртача ($11,6 \pm 0,6$ - $14,2 \pm 0,9$) бўлиб, кейинчалик тезлик равишда кўтарилиб, сўнггра 15-25 кунлари бу кўрсаткич ($18,8 \pm 0,9$ - $24,6 \pm 0,9$) 84,6% ташкил этди ва зараркунанданинг озикланиш жараёни кузатилди. Ушбу лаборатория тажирибаларига асосланган ҳолда табиий шароитда Қўйи Амударё давлат биосфера резервати ва Хоразм вилояти Урганч тумани ўрмон хўжаликларида баҳор фаслида ҳаво ҳарорати $+19^{\circ}\text{C}$, $+22^{\circ}\text{C}$ га кўтарилганда ксилофаг-ҳашаротлардан жиддий зарарланган *Tamarix aralensis* (Bunge), *Populus pruinosa* (Schrenk), *Populus nigra* (Grossh), *Populus alba* (Aiton), *Elaeagnus angustifolia* (Bieb) дарахт ўсимлик турлари танлаб олиниб, энтомопатоген микроорганизм *Beauveria tenella* замбуруғининг ВД-85 штамми билан пуркаш орқали ишлов берилди.

